

INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Ibragimova Sayora

Pedagogical Innovations, Professions Management Education and Pedagogue Retraining and Improve their Skills, Institute of Independent Journalism

ABSTRACT

This article discusses the role and importance of innovative educational technologies in improving the quality of education in higher education, their study, generalization and popularization.

Keywords: educational technology, training, professional skills, ability, creativity.

INTRODUCTION

Жаҳонда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараён ижтимоий ҳаётда устивор соҳа сифатида эътироф этилиши бунинг ёрқин мисолидир. Ушбу жараёндаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда бугунги замон талабларига мос ҳолда муаммоларни мустақил ҳал эта оладиган, касбий мутахасислиги бўйича қўйилган талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган етук кадрлар тайёрлаш долзарб масалалардан биридир. Бу барча мутахасислар олдида олий таълим тизимида замонавий талабларга жавоб берадиган инновацион таълим технологияларини яратиш вазифасини қўйди. Шу кунгача бу борада қатор ишлар амалга оширилган, жумладан: янги ўқув дастурлари тузилган, дарсликлар ва ўқув услубий қўлланмалар яратилган. Бу йўналиш бўйича кадрларни тайёрлашда инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқишга янгича ёндашган ҳолда таълим самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги 637-сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847 сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ушбу вазифаларни изчил амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 46-моддасида педагог ходимларнинг мажбуриятлари сифатида ахборот-коммуникация технологияларидан, ўқитиш ва тарбиянинг илғор ҳамда инновацион шакллари ва усулларидан фойдаланиш белгилаб берилган. Ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий ҳужжатларда “янги педагогик технология”, “илғор педагогик технология”, “замонавий педагогик технология”, “инновацион таълим технологиялари” иборалари кенг қўлланилмоқда. Инновацион таълим технологиялари асосида ўқитишнинг анъанавий таълим технологияларидан фарқи таълим мақсадлари, унинг

мазмуни, таълим-тарбия методлари, назорат ва натижаларни баҳолаш ўзаро алоқадорликда ва ҳамкорликда амалга оширилади.

Бундай инновацион таълим технологияларига «Ассесмент» технологиясидан фойдаланишни мисол келтириш мумкин. Талабалар билимини баҳолашда «Ассесмент» технологиясидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, ундан машғулотларда талабаларнинг эгаллаган билим, кўникма, малакалари даражасини аниқлаш, баҳолашда фойдаланиш мумкин. Талабалар ўз билим, кўникма, малакаларини моҳирлик билан синаб, ўз-ўзларини баҳолашлари, синовдан ўтишлари мумкин. Ассесмент (ингл. - assessment - баҳо) ўз-ўзини тақдимот қилиш, маълум бир синовдан ўтиш, деб белгиланади. Ушбу технология ўтилган машғулот ёки бўлим бўйича барча мавзуларни талабалар томонидан ёдга олиш ёки бирон-бир мавзу бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқ, вазифаларга мустақил равишда ўз муносабатларини билдириш, шу орқали эгалланган билим, кўникма, малакаларини ўзлари текшириб, баҳолашларига имконият яратиш ва ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичида барча талабаларни ҳам илмий-назарий, ҳам амалий жиҳатдан билимлари, кўникмаларини баҳолай олишга йўналтирилган. Бу технологиядан ўқув машғулотларининг барча турларида (дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки ўқув предметининг бирон-бир бўлими тугалланганида) ўтилган мавзунини ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустақамлаш ёки оралик ва якуний назорат ўтказиш учун, шунингдек, янги мавзунини бошлашдан олдин талабаларнинг билимлари текшириш, уларнинг кўникма, малакаларини аниқлаш учун мўлжалланган. Ушбу технологияни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида яқка тартибда ташкил этиш мумкин. Машғулот учун тарқатма материаллар; жадвални тўлдириш учун топшириқлар; қалам (ёки ручка); тақдимот - слайдлар ва бошқа воситалар керак. Режа бўйича белгиланган мавзу бўйича ҳамда ўқитувчининг дарс мақсади (текшириш, мустақамлаш, баҳолаш)га мос ҳолда тарқатма материаллар тайёрланади. Машғулотни ўтказишда белгиланган мақсад, унга қўйиладиган талаблар билан таништирилади, тарқатма материаллар тарқатилади ёки ўқитувчи томонидан маъруза шаклида сўзлаб берилади, талабалар дафтарга қайдларни ёзиб оладилар, мавзу бўйича тарқатма материалдаги жадвал каттакларида берилган вазифа, топшириқлар билан танишадилар (вазифа ва топшириқлар экранда слайд орқали кўрсатилиши, тингловчилар эса тарқатма материалга ёки дафтарларига фақат жавобларни ёзишлари мумкин), ўқитувчи талабалар томонидан бажарилган ишларни йиғиб олади ва уларнинг тўплаган баллари ёки баҳоларини гуруҳ журналига қайд этади, ўтказилган ишга яқун ясайди. Бунда жадвалдаги каттаклар сонининг нечта бўлиши ўқитувчи томонидан қўйилган мақсад, ўтилган мавзу ёки бўлим ҳақидаги маълумотларга боғлиқ. Жадвалда, албатта, ўтилган мавзу, бўлим бўйича маълумотлар ҳамда илмий-назарий, амалий кўникмаларни текшириш, баҳолашга йўналтирилган тегишли вазифа ёки топшириқлар бўлиши керак. Олий таълим муассасаларидаги ўқув машғулотлари жараёнида «Ассесмент» технологиясидан фойдаланишда ўқитувчи гуруҳ аъзоларининг жавоблари ва айтган фикрларини ҳисоблаб боради ҳамда доскада ёки экранда ёзиб кўрсатади, барча гуруҳлар ўз фикрларини билдириб бўлишгач, ўқитувчи фикрларни умумлаштиради ва асосий мавзуга қўшимчалар киритиб, тўлдиради; гуруҳлар томонидан доскада (экранда)

айтилган фикрлар, жавоблар сонига қараб, энг кўп фикр билдирган, кўп жавоб берган гуруҳлар аниқланади, ўқитувчи ўзи белгилаган мезонлар асосида уларни баҳолайди, масалан гуруҳда 10 та фикр билдирилган бўлса - 5 баҳо, 8 та - 4 баҳо, 6 та - 3 баҳо, 5 дан кам бўлса - «қониқарсиз», дея баҳоланади. Лекин бу баҳолар гуруҳга берилади ҳақда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси шу баҳога эга бўлади. Ўқитувчи талабалар баҳоларини эълон қилгач, ўтилган мавзуга яқун ясайди ва кейинги машғулотнинг мавзуси, вақти, ўтказиладиган жойи, ўтиш тартиби билан барчани таништиради.

Олий таълим муассасаларида инновацион таълим технологияларини қўллаш нафақат юқори даражада таълим олган мутахассисларни тайёрлаш, балки янги технологияларни ишлаб чиқа оладиган, ишлаб чиқариш муҳитига мослаша оладиган, янги қарорлар қабул қила оладиган, бошқарувчанлик вазифасини муваффақиятли бажа оладиган қилиб тайёрлашдан иборатдир.

Олий таълим муассасалари тайёрлаётган мутахассислар нафақат жамият фаолиятининг турли соҳаларидаги талабларга жавоб бериши керак, балки ушбу барча соҳаларда тараққиётга эришишга тайёр бўлиши керак.

Шундай қилиб, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазият олий таълим муассасалари олдида қуйидаги вазифаларни қўяди:

- Меҳнат бозорида харидоргир бўлган инновацион фаол мутахассисларни фанлараро тайёрлаш;
- Натижаси интеллектуал мулк объектлари, ноу-хау, лицензия, патентлар, янги методлар, ҳодисалар, илмий нашрлар ва ҳоказолардан иборат таянч ва амалий илмий тадқиқотларни амалга ошириш;
- Профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, докторантлар, тадқиқотчилар, олий таълим муассасалари аспирантлари ва талабаларини илмий-тадқиқот фаолиятига ўқитиш;
- Талабаларга замонавий инновациялар ҳақида билим бериш, ўқув ва амалий фаолиятда инновацияларни жорий этиш ва фойдаланиш;
- Миллий инновацион тизими асосида шаклландирган ва жаҳон бозорига юқори ишлаб чиқариш ва технологияларни олиб киришга йўналтирилган фан, техника, технология ва таълимнинг турли ташкилий шакллари бирлаштирадиган, таркибида интеграция тузилмалари бўлган инновацион фирмалар билан инновацияларни яратиш учун ҳамкорликда ишлаш (илмий-тадқиқот фаолияти, лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, консалтинг хизматлари ва бошқалар).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637.
2. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008.-180 б.
3. Колеченко А.Е. Энциклопедия педагогических технологий: Пособие для преподавателей. – СПб.: КАРО, 2002 г.
4. Питюков В.Ю. Основы педагогической технологии.- М.: «Гном-Пресс», 1999 г. 8. Селевко Г.К., Современные образовательные технологии.- М.: «Народное образование», 1998 г.